

- 4.3 «Таъминотчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.
- 4.4 «Истемолчи» «Таъминотчи» томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

5. Томонлар жавобгарлиги

- 5.1 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га сифатсиз, ёки сақлаш муддати ўтиб кетган махсулотларни етказиб берган ҳолда «Истемолчи» «Таъминотчи»дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 20% жарима қўллаб, қонуничликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 5.2 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Таъминотчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган махсулот қийматининг 0.5% миқдорда лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Истемолчи»га пеня тўлайди.
- 5.3 Агар «Истемолчи» «Таъминотчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

- 5.4 Жарималар тўланиши «Таъминотчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

6. <Форс-мажор>

- 6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енги, zilзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

7. Шартнома муддати

- 7.1 Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12 2022 йилгача . Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.2 Шартнома қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- а) томонлар ўзаро эзма келишувига асосан; б) «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Истемолчи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда; в) «Таъминотчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда; г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Таъминотчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда; д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда; Изох: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Истемолчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Истемолчи» «Сотувчи»га эзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

8. Қўшимча шартлар

- 8.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунарига асосан Хўжалик судлари орқали ҳал қилинади.
- 8.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истемолчи»га тақдим этади.
- 8.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсуд ва жавобгардирлар.
- 8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

«Истемолчи»

* «FIVE STAR AGRO» MCHJ.

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фуркат тумани
Тел. +99894 446 00 27

х/в 20208000200855080001

Банк номи: ОАТБ «Агро банк» Қўқон

МФО 00546 СТИР 305358713

ОКОНХ 46330

Рахбар



Ҳуқуқшунос:

Лицензия №

20 йил

да томонидан берилган.

Фаргона 2-сонли Бюджетдан маблағ олувчининг номи

Манзил: *Оқ уйлик 1122*
Тел./факс: *582044-26*
ш/хр: *100021860304057073320054001*
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: *207059288*
ОКОНХ: *00014*

Газначилик бўлими номи:

ЯҒХ: 23402000300100001016

Банкнинг номи: Марказий Банкнинг
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014

Газначилик бўлими СТИРи: 201122919

Рахбар

(имзо)

